

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 29.06.2019. Fil/Ped. 83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МУХИТДИНОВА НАЗИРА БАТИРХАНОВНА

**ЖЕЙМС ЖОЙС ИЛК ПРОЗАСИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
("ДУБЛИНЛИКЛАР" ВА "МУСАВВИРНИНГ ЁШЛИКДАГИ
ШАМОЙИЛИ" АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

10.00.04. – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 8(075)(Англ)

КБК: 833 (0) 9

М-95

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on Philological sciences**

Мухитдинова Назира Батирхановна

Жеймс Жойс илк прозасининг поэтик хусусиятлари

(“Дублинликлар” ва “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили”

асарлари мисолида) 3

Мухитдинова Назира Батырхановна

Поэтические особенности ранней прозы Джеймса Джойса

(на материале сборника рассказов “Дублинцы” и романа

“Портрет художника в юности”) 25

Mukhitdinova Nazira Batirkhanovna

Poetic features of James Joyce's early prose (based on the collection of short

stories “Dubliners” and the novel “A Portrait of the Artist as a Young Man”)..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 29.06.2019. Fil/Ped. 83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МУХИТДИНОВА НАЗИРА БАТИРХАНОВНА

**ЖЕЙМС ЖОЙС ИЛК ПРОЗАСИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
("ДУБЛИНЛИКЛАР" ВА "МУСАВВИРНИНГ ЁШЛИКДАГИ
ШАМОЙИЛИ" АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

10.00.04. – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.1.PhD/Fil. 304 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилида (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdchti.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холбеков Муҳаммаджон Нуркасимович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бақоева Муҳаббат Қаюмовна
филология фанлари доктори, профессор

Мухаммедова Хулкар Элибоевна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 29.06.2019. Fil/Ped. 83.01 рақамли кенгашнинг “__”_____ 20__ йил соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-ўй. Тел: (99866) 233-78-43; факс: (99866) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz. Самарқанд давлат чет тиллар институти бош биноси.

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-ўй. Тел: (99866) 233-78-43

Диссертация автореферати 20__ йил “__” _____ куни тарқатилди.
(20__ йил “__” _____ даги _____ – рақамли реестр баённомаси)

И.М.Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., доцент

А.А.Яхшиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

Н.Қ.Турниёзов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослиги фанида кечаётган жараёнлар, бадиият оламида пайдо бўлган турли оқимлар ва йўналишларга қизиқиш ошиб бормоқда. Шу боис бадиий оламни ўзига хослигини тадқиқ этиш, унга танқидий ёндашиш, ижодий ўрганиш ҳар бир ҳалқ адабиёти тараққиётига наф келтириши муқаррар. Янги адабий модерн йўналишида ёзилган асар шакли ва услуби аксари ҳолларда ассоциатив сюжетни талаб этади ва у асосий сюжет турига айланади. Ассоциатив сюжет, ўз навбатида, ўзига хос тасвир принципларини талаб этади. Ҳозирга қадар модерн адабиётининг поэтик жиҳатлари кенг миқёсда махсус тадқиқотларнинг объектини ташкил қилмаган. Асарлардаги оламнинг бадиий манзараларига доир асосий структуравий ва поэтик хусусиятларни таҳлил этиш ва инглиз модерн прозаси замон ва макон категорияларини ўрганиш ҳозирги адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Дунё адабиётшунослигида бадиий янгиланиш жараёни ўз-ўзидан илмий тафаккурнинг ҳам янгича дунёқараш ва концепция билан бойишига хизмат қилди. Бадиий асарни таҳлил ва талқин этишда хурфикрликка асосланган янгича методологик тамойиллар вужудга кела бошлади. Бу методологик тамойилларга кўра, энди бадиий асарга инсоннинг ижтимоий фаолиятини акс эттирувчи восита деб эмас, балки биринчи навбатда сирли-синоатли, фақат ўзигагина хос бўлган қалбга эга индивидни поэтикасини кашф қилувчи сифатида қарала бошланди. Шу тариқа, бадиий олам поэтикасини кашф қилиш тамойиллари кенг тушунчадир. Унда янгиланаётган методологик асосларни яратиш, минг йиллик маданий меросни янгича концепция ва усуллар асосида талқин этиш, ўзликни англаш, айна чоғда, адабий жараёндаги хилма-хил поэтик изланишларни бадиийликнинг янгича асос ва мезонлари асосида тадқиқ этиш асосий масалага айланди. Бинобарин, янги давр мутахассислари ушбу сифат ўзгаришларни, методологик плюреализмга ўтиш жараёнларини тадқиқ этиш, ўз навбатида, бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётшунослигида аввалдан мавжуд илмий анъаналар билан бир қаторда, дунё адабиётшунослигидаги янгича услуб ва ёндашувларни ижодий ўзлаштириш ва тадқиқотларда фаол қўллаш тамойили шаклланди. Шунингдек, мустақиллик даври ўзбек прозасида дунёни бадиий қайта гавдалантиришнинг Ғарбда тараққий топган тамойилларини ўзбек адабий-эстетик анъаналари билан уйғунлаштириш амалиёти юзага келди. “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасидаги замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”¹. Шу боис, адабиётшунослик фани

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 23 декабр.

олдига ҳам назарий, ҳам инновацион амалий тадқиқотларни жаҳон андозалари даражасида юксалтириш мажбурияти қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади².

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Жеймс Жойс ижодига қизиқиш ортди. Адиб асарлари ўзбек тилига таржима қилина бошланди. Унинг “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романи таниқли публицист Аҳмад Отабоев томонидан ўзбек тилига ўгирилди³. Шунингдек, таниқли олимлар, академик Акмал Саидов, Муҳаммаджон Холбеков, Тилаволди Жўраев ва Назар Эшонқулларнинг мақола ҳамда китоблари эълон қилинди⁴.

Рус адабиётшунослигида Жеймс Жойс ижодининг умумий ва хусусий муаммолари Д.П.Мирский, Р.Миллер-Будницкая, А.Старцевнинг⁵ мақолаларида ўрганилган. Кейинчалик, Д.Г.Жантиева, Д.Урнов,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, № 28 (6722) // http://lex.uz/pages/getpage.aspxlact_id=3107036; “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сон қарори // http://lex.uz/pages/getpage.aspxlact_id=31711590; // (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда, 24-сон, 490-модда.

³Жойс Ж. Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили. Роман рус тилидан Аҳмад Отабоев таржимаси. – Тошкент.: “Академнашр”. 2014.

⁴Саидов А. Жеймс Жойснинг “Улисс”ини қандай ўқимок керак? // Жаҳон адабиёти, 2011, 6-сон; Холбеков М.Н. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Тошкент, 2014; ЖўраевТ. Модерн бизга бегона эмас, бироқ у ягона йўналиш ҳам эмас., Тошкент, 2009., Жўраев Т. Онг оқими.Модерн, Тошкент, 2009. Ziyouz.uz; ЖўраевТ. Жеймс Жойс. Рисола., Тошкент, 2008; Эшонқул Н. Жеймс Жойс., Тошкент., 1970.

⁵ Святополк-Мирский Д. П. Джеймс Джойс. Альманах «Год Шестнадцатый». М, 1933, с. 428—450. Перепечатано в: Д. Мирский. Статья о литературе. М. 1987; Миллер-Будницкая Р. Философия культуры Джемса Джойса // Интернациональная литература. 1937. - № 2. - С. 198-209; Старцев А. Джойс перед «Улиссом» / А. Старцев // Интер. лит. — 1937. — №1. — С. 196—202.

Н.П.Михальская, Н.А.Киассашвилининг танқидий ишларида⁶, шунингдек Ю.Гениеванинг Жойс бадиий олами тадқиқига бағишланган номзодлик диссертациясида ўрганилган⁷.

Файласуф олим Сергей Хоружийнинг ишлари ҳам⁸ катта аҳамиятга эга. С.Хоружий “Улисс” таржимони, рус адабиётшунослигида Ж.Жойс ижодининг йирик билимдони ва унинг ўзига хос тадқиқотчиси десак муболаға бўлмайди. Ёзувчи меросининг Россияда қабул қилиниши ва ўрганилишига доир масалалар инглиз олими Н.Корнуэллнинг “Жойс ва Россия” номли китобида бир қадар асосли ёритилган⁹. Шунингдек, замонавий жойсшунослиқдан амалга оширилган: С.Гилберт, Р.Элман, Л.Голдберг тадқиқотларидаги илмий хулоса ва натижалар кўриб чиқилган. Ҳозирги вақтда Г.Левин, Р.Кейн, Д.Найт, Э.Уилсон¹⁰ сингари олимларнинг ишларида Жойс ижоди таҳлил қилинган. Жеймс Жойс ижоди рус ва чет эл олимлари томонидан қанчалик кўп ўрганилганлигига қарамай, унинг илк насри поэтикаси алоҳида тадқиқот объекти сифатида олиниб, замон ва макон категорияларининг инъикоси ва таснифи мезонлари чуқур ўрганилмаган. Ушбу диссертация ўзбек адабиётшунослиқдаги бевосита Жеймс Жойс илк прозасининг поэтик хусусиятларига бағишланган биринчи тадқиқотдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот режасининг “Хорижий адабиётшунослик ва тилшуносликнинг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жеймс Жойснинг дастлабки асарлари бўлган “Дублинликлар” ҳикоялар тўплами ва “Мусаввирнинг ёшлиқдаги шамойили” романи бадиий оламининг манзараларига доир асосий структуравий ва поэтик қирраларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

ҳикоялар тўплами ва романда персонажлар хронотоплари ва воқеалар таҳлилини ёритиб бериш;

⁶Жантиева Д.Г. Джеймс Джойс. М., 1967. См. также: Английская литература от первой половины до второй мировой войны. // История английской литературы. М., АН СССР, т. III, 1958, с. 38-67. См. также: Английская литература XX века 1918-1939. М., 1965; Урнов Д.М. Английская критика и литературный процесс. // Английский литературно-критический очерк (на английском языке). М., 1979, Б.-. 3-24.; Михальская Н.П. Пути развития английского романа двадцатых-тридцатых годов. Утрата и поиски героя. М., 1966; Киасашвили И. Некоторые особенности метода потока сознания в творчестве Д.Джойса. Труды Тбилисского университета, 1971; Киасашвили Н.А. К столетию со дня рождения Д.Джойса. «Вопросы литературы», 1982; Киасашвили Н. Сложный мир великого экспериментатора. // «Заря Востока», 1974

⁷Гениева Е.Ю. Художественная проза Джеймса Джойса. Автореф.дисс.канд.филол.наук. – М., 1972.

⁸Хоружий С.С. Как читать «Улисса» // Иностранная литература, 1989, №1. С.214-217.; Хоружий С.С.: «Улисс» в русском зеркале. // Джеймс Джойс. Собрание сочинений в 3 томах. Том 3. – М., Знаменитая книга, 1993.

⁹Корнуэлл Н. Джойс и Россия. Пер. с английского О.Н. Сажиной. – С.-Петербург: «Академический проект», 1998.

¹⁰Гилберт С. *Улисс* Джеймса Джойса. Путеводитель по роману. Литературный журнал “Эгоист”,- Лондон., 1930.; Каранг: Ellmann R. James Joyce. London; Левин Г. Избранные труды. Поэтика. Семиотика –М., Языки русской культуры, 1998.; Кейн Р. "Сказочный путешественник: "Улисс" Джеймса Джойса" 1978; Goldberg, Samuel Louis. Joyce. / The Man and his Work. Edinburg-London, 1962; Kain, R. Dublin in the Age of William Butler Yeats and James Joyce, 1965; Levin, H. James Joyce: A Critical Introduction / H. Levin. - Norfolk: New Directions, 1960; Wilson Edmund. James Joyce // Literary opinion in America. N.Y.: Evanston, 1962. Vol. I. P. 183-206.

хронотоплар ва ҳаракатлар шаклининг ўзаро таъсири тадқиқини амалга ошириш;

Жойснинг дастлабки насрий асарларида бадиий олам манзараларининг ўзига хослигини аниқлаш;

Жойснинг дастлабки насрий асарларида замон ва макон категорияларининг таснифини келтириш;

Жеймс Жойс прозаси (“Дублинликлар” ҳикоялар тўплами ва “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романи) матнининг стуректуравий қирраларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объектини Жойснинг “Дублинликлар” ҳикоялар тўплами ва “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романи ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети Жойснинг “Дублинликлар” ҳикоялар тўплами ва “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романи поэтикасининг ўзига хослиги ва уларда замон ва макон категориялари инъикосидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган: назарий (тахлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, генератив поэтика, бадиий матн таҳлили, “матнни синчли ўқиш”), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш) методлар мажмуи қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

Жеймс Жойснинг “Дублинликлар” ҳикоялар тўплами ва “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романи поэтикасининг бадиий яхлитлиги, макон ва замон мутаносиблиги асосланган;

бадиий яхлитлик муаммоси лингвистик, матндаги маданий тамойиллари лингвокультурологик ва асарларнинг қадим мифларга боғлиқлиги бўйича мифологик нуқтаи назардан таснифланиб, структурал қирралари аниқланган;

адиб асарларидаги ижтимоий-этик қарашлари, қахрамонлар ва адиб ўртасидаги биографик ўхшашлик хусусиятлари очиб берилган;

Жеймс Жойс асарларида ижтимоий муҳит персонажлар табиатининг шаклланишига салмоқли таъсир кўрсатиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертация ишининг амалий натижалари қўйидагилар билан белгиланади:

Жеймс Жойс (“Дублинликлар” ҳикоялар тўплами ва “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романи) асарларининг поэтик оламини кашф этишининг янги услублари, яъни ёзувчининг дастлабки асарларидаги оламнинг бадиий манзараларига доир асосий стуректуравий ва поэтик хусусиятларини таҳлил этиш имкониятлари кенгайтирилган;

Инглиз модерн прозаси замон ва макон категорияларини тасниф қилишда мантиқий-фалсафий ва лингвокультурологик йўналишдаги илмий изланишлар заминида ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот мавзусининг Ўзбекистон Республикаси ривожланишнинг Ҳаракатлар стратегияси мақсадларига мувофиқлиги, жаҳон миқёсида илмий-назарий қараш, амалий

тажрибалар ўрганилганлиги, қўлланилган тадқиқот усуллари, илмий-назарий қоидалар билан; оригинал тил ва таржимадаги таҳлил қилинган материалнинг ҳажми катталиги билан; адабиётшуносликда аввал ўтказилган тадқиқотларнинг назарий қоидалари тажрибаси, шунингдек ўтказилган тадқиқот натижаларининг диссертация иши назарий қоидаларига мослиги билан таъминланади; хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга тадбиқ этилган, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, у адабиётшуносликда юзага келган янги йўналишлар ва мавзуларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ўзбек адабиётшунослигига таъсир этаётганини аниқлаш ҳамда инглиз адабиётида яратилган асарларнинг табиатини қиёсий ўрганган ҳолда улар орасидаги мазмуний-услубий мувофиқлик ҳолатларини аниқлаш ва бадиий асар таҳлилида талқин этиш йўли ва имкониятларини белгилаш тўлақонли инглиз маданий хусусиятларини кўрсатиш учун илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар катта кўламдаги янги адабий материаллардан “Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи”, “Жаҳон адабиёти”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Адабий танқидчилик тарихи”, “Адабий алоқалар”, “Замонавий хорижий адабиёт” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулотларни олиб бориш, битирув малакавий ва магистрлик ишларини бажариш, шунингдек, инглиз тили ва адабиёти йўналишида таълим олаётган талабалар, ўқитувчилар фойдаланишлари учун инглиз адабиётига оид янги ўқув материалларининг ишланганлиги, мутахассис кадрлар, ва адабиётшуносларнинг компетенцион сифатларини шакллантириш учун ўқув таъминоти ишланганлиги, мавзуга оид рисола, ўқув қўлланмалари ёзишда, XX аср инглиз адабиёти тарихи бўйича умумий курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жеймс Жойс илк прозасининг поэтик хусусиятларини ўрганиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

Жеймс Жойс дунёқарашни тасвирлаш маҳоратидаги ўзига хос усуллар бўйича олинган натижалардан ОТ-Ф8-062-рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” номли фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 29 октябрдаги 89-03-4185-сон маълумотномаси). Натижада, Жеймс Жойс илк прозасининг поэтикаси ўрганилаётган жараёнда тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари ҳам инобатга олиниши ҳамда илмий асослаб берилганлиги ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида жаҳон адабиётининг таъсирини аниқлашда имкон берган;

инглиз модерн адабиёти билан боғлиқ муаммолар тасвири натижаларидан И-204-4-5-рақамли “Инглиз тили мутахассислик предметлардан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 29 октябрдаги 89-03-4185-сон маълумотномаси). Натижада, инновацион тадқиқот лойиҳаси асосида ўқитувчиларнинг лингвистик ва коммуникативлик қобилияти ва адабиётшунослик асослари билими оширилган ҳамда таълим тизими жараёни такомиллаштирилган;

Жеймс Жойс асарларининг поэтикасини тадқиқ этиш жараёнида олинган натижалардан Буюк Британия Экзетер Университетининг кутубхонасида инглиз адабиётига бағишланган семинарда фойдаланилган (Экзетер университетининг 2019 йил 28 октябрдаги 690011608-сон маълумотномаси). Натижада, семинар иштирокчилари Жеймс Жойс ижодидаги онг оқими техникаси ҳақида маълумотга эга бўлишган;

тадқиқот хулосаларидан Cambridge Central Asia Forum Jesus College, Кэмбридж университетининг бир қатор филолог ва адабиётшунос экспертлар томонидан адибнинг асарлари поэтикасини тадқиқ қилиш жараёнида фойдаланилган (Кембридж университетининг 2019 йил 12 ноябрдаги маълумотномаси). Натижада диссертация автореферати Cambridge Central Asia Forum кутубхонасига қабул қилиниб, талабаларга Жеймс Жойс асарлари таржималари хусусида маълумот олишларига хизмат қилмоқда;

тақдим этилган тадқиқот иши натижалари ва материалларидан Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 16 сентябрь куни эфирга узатилган “Адабиёт дарси” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Жиззах вилояти бўлимининг 2019 йил 6 ноябрдаги 01-08/1172-сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқотнинг XX аср адиби Жеймс Жойс илк прозасининг поэтик хусусиятларига бағишланган таҳлилий фикрлари ва назарий хулосалари орқали кўрсатув мазмуни бойитилган;

Жиззах вилояти маънавият ва маърифат маркази томонидан диссертация тадқиқоти асосида олинган илмий натижалардан фойдаланилган (Жиззах вилоят маънавият ва маърифат кенгаши Жиззах вилоят бўлимининг 2019 йил 31 октябрдаги 01-168-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг китобхонлик савияси оширилган, илғор чет эл адабиёти аслият ва таржимада тарғиб қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Олиб борилган тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари муаллифнинг 5та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3та халқаро ва 2та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан 1 рисола чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик

диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларда 7та, жумладан хорижий илмий журналларда 2та мақола нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 153 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ҳамда тадқиқот тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жеймс Жойс илк насри поэтикаси”** деб номланган биринчи бобида Жеймс Жойс ижодининг тадрижий таснифи ҳамда Жойс илк прозасининг бадиий талқинига оид масалалар кўриб чиқилган.

“Дублинликлар” тўплами (Dubliners, 1914)даги ўн бешта ҳикоя шаҳар ҳаётининг умумий кўринишини ташкил этади. Ҳикоялар бадииятида турли рамзлар ва сахналарда умумий ички-поэтик ўзак мавжуд. Шаҳар ва унинг мураккаб қиёфаси шаҳар аҳолиси мисолида гавдаланиб, инсоннинг шаклланиш жараёнида тасвирланади – болалик, ёшлик, оилавий ва ижтимоий фаоллик, ўлим каби босқичларни бошидан кечиради. Тўплам ижодкор шаклланишини иккинчи диалектик босқичини ўзида акс эттиради. “Камер мусиқа” да бўлгани каби, ёпиқ космик модел ҳам ишлайди, аммо у зид минус моҳиятга эга. Марҳумлар, бўш хоналар, бузуқ, дарчасиз уйлар, китобнинг алоҳида-алоҳида қисмига айланади. Охирги ҳикоя адекват-мутаносиб “distant music” инъикос этилади. Дистант – масофавий мусиқа – тўпламнинг таянч формуласидир. Биринчи учта ҳикоя – “Опа-сингиллар”, “Эвелин”, “Парвоздан кейин” 1904 йилда Дублинда Стефан Дедалус тахаллуси билан нашр этилди. Ҳикоялардаги хажв хуружлари уларни нашр этган журналнинг ёпилишига олиб келди. Жойс 1905 йилда Триестга сургун бўлиб, ёзганларини қайта ишлайди ва тўпламини яна ҳам кенгайтиради. Ёзувчи “Опа-сингиллар”, “Учрашув”, “Аравия” ҳикояларида болалар ва ўсмирлик дунёсини акс эттиради, улар катталарнинг қўпол дунёсининг босими остида инқирозга учрайди. “Эвелин”, “Парвоздан кейин”, “Икки кавалер”, “Пансион” қисқа ҳикоялари барбод қилинган ёшлик ва имкониятлар ҳақида ҳикоя қилади. “Булутча”, “Қиёфадоз”, “Ҳок” ҳикояларида эса катталарнинг хусусий оилавий ҳаёти, фожиали ёлғизликлари ҳикоя қилинади. “Печак

куни”, “Она”, “Худонинг инояти”, “Мархумлар” ижтимоий ҳаётни акс эттириб, бўм-бўш, таъма оламига етаклайди.

Ҳикоялар нафақат қайта тақсимланади, балки уларда миқдор, “ҳажм ўсиши” содир бўлади. Агар биринчилари, ҳажман 7-10 саҳифадан ошмаган бўлса, “Худонинг инояти” 21 ва охириги “Мархумлар” ҳикояси 40 саҳифага етказилганини кўзатамиз.

Тўпламдаги илк ва сўнги ҳикоялар “Опа-сингиллар” ва “Мархумлар” айниқса, ўзаро маҳкам ва узвий тарзда бир-бирига боғланиб, алоҳида қолипни ташкил этади. Алоқаларнинг лингвопоэтик табиатли эканлиги ва ёпиқ яратувчи макон мавжудлиги ҳақида гапириш имконини беради.

Ҳикояларнинг калит сўзи “фалаж” ҳисобланади. Бу сўз биринчи саҳифадаёқ пайдо бўлиб, ўзаро акс эттирувчи, ўзаро тўлдирувчи, келиб чиқиши юнонча бўлган (хорижий, бегона, йироқ) бутун асар учун долзарб сўзлар даврасида намоён бўлади. Асосий сўз-феъл *break* – вайрон қилиш ва синдириш маъносини ўзида ифодалайди.

“Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” (*A Portrait of the Artist as a Young Man*, 1916) романи Жойс илк ижоди диалектикасининг учинчи синтетик-қоришиқ босқичи ҳисобланади. Жойс томонидан жанр танлаш ҳар доимгидек жуда муҳимдир.

Ўспириннинг камолот йўли ҳақидаги асар асрлар тўқнашувида навбатдаги даврнинг ўзгарувчан дунёқарашини англаш учун энг муносиб шаклдир. У инсон ва дунё, вақт, тарих, ўлим, Худо, тил ва ҳаётнинг долзарб муаммолар ҳақида.

Камолот йўли сари ҳаракат асарда қаҳрамоннинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам содир бўлади. Ушбу икки турдаги ҳаракат ўзаро бир-бири билан кесишади ва мувофиқлашади. Бундай қаҳрамон дунёда ёлғиз. Характернинг узлат тарафдори эканлиги унинг ўзига хослиги – микроскопиклиги билан боғлиқ. У оиладан (маънавий ёки макон маъносида) ажралган, “қамокда” (пансионат, мактаб) юргандай. Жамиятдаги унга қарама-қарши ва алоҳида вакиллар (душманлар, дўстлар, оила аъзолари) ҳам шундай.

“Дунё етими” – “аломатлилик”, “танланганлик” ва “даҳо” кабиларга узига ҳос синонимдир. Қаҳрамон буни олдиндан ҳис қилади. Ёлғиз қаҳрамон ва қутқарув олиб келадиган муайян “Учрашув” кутилгани ҳам муҳим; бу, уз уринда, ҳаракат қиладиган кучларни уйғотадиган “космик” тўлақонлилик ва уйғунликка олиб келади.

Жойс қаҳрамони шунингдек, ҳаёт мактабини, академик мактабини ва севги мактабини ўтайди. Устоз-тарбиячилар унга дунёвий ғояларни қаттиқ тартиб билан сингдириб, дунё иерархиясининг тайёр тармоқларини ўргатишади ва у уларни ижодкорлик билан енгиб чиқади.

Айнан мусаввир шамойилининг чизилиши фавқулодда аҳамиятга эга. Романтизм давридан бошлаб, коинот яратилиши муаллифларни “ижодий”, “энергетик” (В.фон Хумболдтнинг “энергия” атамасига қаралсин)

аспектларда қизиқишни орттиради. Шу муносабат билан биз XIX-XX асрлар оралиғидаги маданий ҳодисаларни эсга оламиз ва дунёнинг яратувчанлик жиҳати XXI аср бошларида яна бир бор аён бўлади, деб ҳисоблашимиз мумкин.

“Мусавирнинг ёшликдаги шамойили” асарида замон ва макон муносабатларининг мураккаб тизими тарбиявий романнинг қонунларига мувофиқ яратилган. Қаҳрамоннинг ички макони ташқи макон билан динамик равишда боғлиқ. Ташқи дунё хотира ишини кўзгатади, ички хатти - ҳаракатлар бевосита қаҳрамоннинг сўзлари ва ҳаракатларида намоён бўлади.

“Дублинликлар” тўпламида уйнинг архетиплари, “расмий”, ёпик, “сиқик” макон, “бошқа” узок дунё фаолияти кузатилади. Аммо “Дублинликлар” тўпамидан фарқли ўлароқ, “Мусавирнинг ёшликдаги шамойили” – бу ягона сюжет ва битта қаҳрамон Стефен Дедалусга эга яхлит асар; у олдинги асари билан ҳам, муаллиф биографияси билан ҳам муносабатга киришади. “Мусавирнинг ёшликдаги шамойили”нинг ўзига хослиги нафақат роман жанрига хос фикр юритишни, балки жанр хотирасини тўлиқ ишга солади. Ушбу жанр моделига хос бўлган тузилманинг элементлари сюжет ва қаҳрамон билан фаол ҳамкорлик қилиб, динамик, ўсиб борадиган майдонни яратади, унда қаҳрамон ва олам шаклланиши матн ривожини билан алоқадор бўлади. “Камер мусиқа” ёпик макон рўёби ҳисобланади, “Дублинликлар” – ёпик маконни обрўсизлантиради, “Мусавирнинг ёшликдаги шамойили” эса ҳар икки ҳаракатни ҳам диалектик тарзда бирлаштиради. Қаҳрамон нафақат дунё – миф – болаликни матнда яратади, балки ундан узоклашиб, масофасини йироқлаштиради. Қаҳрамон шаклланиши чекланган жойлардан (уй, ёпик коллеж, шаҳар, черков, университет, кутубхона, Ирландия) қочишга ҳаракат қилади, босим ҳис этмасдан, ўзлигини ифодалаб, яъни “экспрессия” (express, press out), эстетик идеал яратиб олади ва буларга қаршилик ҳам кўрсатади. Дастлаб матндан, борлиқдан ажратилмаган қаҳрамон экспрессив тарзда ундан чиқиб ўз кундалиги матнига шўнғийди.

Роман бошида ички ва ташқи макон, реаллик ва уйку ўртасида чегара ўтказилмайди. Борлиқ ва матн мавҳум алаҳсираш сифатида намоён бўлади. Дунёнинг ва инсоннинг образини гротескли таъна хусусиятларига эга бўлади. Боланинг диққат-эътиборини ички ва ташқи маконнинг боғланиш нуқталари тортади.

Исмнинг фонетик ва семиотик образини Фонетик ва “Гөстержебилимсел” тасвир номи (Стефанос – гултож, Стефан – Масих илк жабрдийда) муқаддаслик – нур – улғайиш – максимал тўлақонлилик мавзуси билан боғлиқ бўлиб, Стивен эволюциясининг барча босқичларини бошқарилишига алоқадор. Ўсиш, улғайиш – муқаддасликнинг нурли этимологияси (saint, grace, grow), Ҳинд-Европача *cuento* ва Ирландиянинг мифологик Куилин образини билан боғлиқ ҳолда шаклланишнинг динамик пафосини

кодлаштиради, тарбиявий романнинг услубий, стилистик ҳамда жанр йўналишларини акс эттиради.

Шаклланаётган шахс маросим жиҳатдан масъул космик ҳаракатларда иштирок этади, доимий ва ўзгармайдиган қадриятларнинг яшаш диалектикасига итоат қилади ва унга қарши туради. худо, сўз, миф, инсон, дунё; ташки ва ички; муқаддаслик, бадийлик, ҳиссийлик чегаралари доимо ва самарали равишда кесишади, айланиб ўтади, ҳал қилинади. Ушбу тадбирнинг умумжаҳон драмаси шахсиятнинг кўплигида намоён бўлади: фаол, ишлаб чиқариш усуллари: дунёдаги ўтмишни кўриш, Дублин номидаги ҳарфлардан, қахрамон миясидаги ғала-ғовурлар (буни тахминан яна давом эттириш мумкин) намоён бўлади.

Диссертациянинг **“Дублинликлар” ҳикоялар тўплами матни поэтикаси**” номли иккинчи бобида ҳикоялар тўпламидаги замон ва макон таснифи ўрганилган.

Ёзувчи “Дублинликлар”ни бошқача эмас, балки китоб деб атади ва унинг чуқур ва қатъий ўйлаб: “Мен ўзимнинг китобимни ўта диққат-эътибор билан ўйлаб, санъатнинг классик анъаналари ҳақидаги ўзимнинг тасаввуримга мувофиқ тарзда яратганман”, деб ёзган. Жойс назарда тутган классик анъана Флобер ва Мопассан ижодида намоён бўлган, унинг жиддий, аҳамиятли хусусиятларини (ўзининг тушунишича) ёзувчи ўзининг “классик санъат” назариясида шакллантирди. Жойснинг эстетик назарияси ҳақида ва у ёзувчи ижодида қай тарзда мужассамлангани ҳақида хориж¹¹ ва рус олимлари¹² кўп ва хўп ёзганлар.

Ушбу назарияни “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” қахрамони романнинг охириги бобларида тарғиб қилади. Гўзаллик, унинг ишонишича, бутунлик, гармония, мунаввар фикр, ёруғ ақл мавжуд жойда юзага келади. Бутунлик эстетик образни “макон ва вақтнинг бепоён фониди ўз ўзини чеклаган ва мустақил маъно-музун сифатида” идроклаш, қабул қилиш билан боғлиқ; гармония – уни “ўзаро мувофиқ бутунлик, мураккаб, бўлинадиган, қисмлардан таркиб топган, бу қисмларнинг ҳосиласи сифатида, уларнинг мажмуи, ўзаро ҳамоҳанг, уйғунлик” сифатида идроклаш, қабул қилиш билан боғлиқ; фикр (ақл)нинг равшанланиши, “гўзалликнинг олий сифати, эстетик образнинг ёрқин товланиши унинг бутунлиги билан тўхтатилган ва унинг гармонияси билан мафтун бўлган онгда аниқ идрокланади; бу эстетик завқнинг порлоқ тилсиз образи...”¹³

Бутунлик ва уйғунлик талаби китоб структурасига таъсирини кўрсатган, қисмлари-ҳикояларининг қатъий изчиллик билан, кетма-кетликда келишини, уларнинг ўзаро мураккаб ички-тематик, ғоявий, интонацияли-стилистик алоқасини ва тўпламнинг умумий ғояси билан боғлиқлигини ҳамда бадий

¹¹Macgregor G. Artistic Theory in James Joyce. Life and Letters.VII. 1972.

¹²Гениева Е.Ю. Художественная проза Джеймса Джойса. Автореф.дисс.канд.филол.наук. М., 1972.

¹³Гениева Е.Ю. Джеймс Джойс. Предисловие // Dubliners. A portrait of the artist as a young man. – Moscow: Progress, 1982. – С.7

яхлитликнинг барча таркибий қисмлари хатбоши (абзац)ларнинг ажратиб кўрсатилиши ва тиниш белгиларининг жой-жойига қўйилишигача – барчасини олдиндан тақозо этган. Тўпламда бирор-бир тасодифий ҳол учрамайди. “Ақл равшанланиши”нинг талаби китоб ва уни ташкил этган ҳикояларнинг структураси даражасида, Жойснинг “эпифания” жанридаги илк адабий тажрибаларига доир бўлган асар хотимасининг алоҳида турида ўз ифодасини топган: ҳар бир ҳикоянинг хотимаси “алоҳида ритмик тузилмаси билан бутун ҳикоялаш маромидан”¹⁴ фарқланиб туради. Китоб “Марҳумлар” номли ҳикоя билан яқунланади ва “унда жисмоний ва маънавий ўлим жуда кучли ифодаланади”¹⁵.

Бу китобнинг марказий образи шаҳар ҳисобланади, бу – фалажга дучор бўлган тирик мавжудот.

“Опа-сингиллар” ҳикояси олами – бола идрокидаги олам. Ҳикоя қилувчи бола ва ҳикоялаш тарзи табиий ритмининг алоҳида тобелиги шу билан боғланган (ҳикоя вақтининг кун ва тун, уйку бедорликка алмашилиши): зеро, катта ёшдаги кишидан кўра бола табиатга яқинроқ. Ҳикоя вақти – табиатнинг табиий қонуни ва ритмига тобе вақт. Матндаги хронологик белги-ишораларнинг асосий хусусиятлари шундан далолат беради. Ҳикоя аввалидаги бир хил оҳангда давом этадиган қатъиятли такрорларга мисол: *Night after night I had passed house...*¹⁶ (“Ҳар куни кечкурун мен уйнинг ёнидан ўтардим...”) ¹⁷; “... and night after night I had found it lighted... [16; 4-б.] (... ва ҳар куни кечкурун мен уйнинг ёруғлигига гувоҳ бўлардим...” . Ёки, яна матн давомида ўқиймиз: “It was late when I fell asleep” [16; 7-б.] (“Мен бу окшом кеч ухладим...”), “The next morning after breakfast...” [16; 9-б.] (“Эртаси куни эрталаб нонуштадан сўнг...”)

Бундан ташқари, ҳикоядаги вақт – ҳикоя қилувчининг алоҳида субъектив вақти. “Опа-сингиллар”да ҳикоя биринчи шахс тилидан олиб борилади (бу Жойснинг бадиий амалиётида кам учрайдиган ҳодиса: бу усул билан “истикфорий” таъсирга эришилади. Ишончлилик, шахсан кечирган кечинмаларга гувоҳлик; ҳикоячи-персонажнинг координатлар тизими кўрсатилади: ўқувчи билан асар матни орасида нисбатан қисқа масофа олинади). Матнда ҳатто ҳикоячининг ички кўчирма гапи, унинг эҳтиросли изоҳлари учрайди: “He began to puff at his pipe, no doubt arranging his opinion in his mind. Tiresome old fool!” [16; 7-б.] (“У оғзида трубка билан пихиллади, гўё фикрини жамлаб олмоқчидай. Эзма, қари тўнка!”); “I scammed my mouth with stirabout for fear I might give utterance to my anger. Tiresome old red-nosed

¹⁴Гениева Е.Ю. Джеймс Джойс. Предисловие // *Dubliners. A portrait of the artist as a young man.* – Moscow: Progress, 1982. – С.20

¹⁵Гениева Е.Ю. Джеймс Джойс. Предисловие // *Dubliners. A portrait of the artist as a young man.* – Moscow: Progress, 1982. – С.20

¹⁶Joyce J. *Dubliners.* – Moscow: Progress, 1982. p. 41. Бундан кейинги инглизча матндан келтирилган мисоллар шу нашрдан олинади ва қавс ичида манбанинг саҳифаси келтириб ўтилади - Муаллиф.

¹⁷“Дублинликлар” тўпламидан келтирилган мисоллар муаллиф томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб берилди. – Н.М.

imbecile!” [16; 9-б.] (“Мен ғазабимни сездириб қўймаслик учун оғзимни бўтқа билан тўлдириб олганман. Эзма, қари қизилбурун аҳмоқ!”).

Шу тариха, китобхон ҳикоячи-боланинг нуқтаи назарини қабул қилиб, унинг биологик ритмига бўйсуниб “Дублинликлар” оламига кириб боради.

“Эвелин”дан бошланадиган, ёшлик ва балоғатлик ҳақидаги, ҳикоялар туркуми учинчи шахс тилидан ҳикоя қилинади. Ўқувчи ва матн орасидаги масофа ортади: атрофдаги олам ҳаётини энди биз бевосита унинг яқинида туриб кузатамиз. Гарчи тўпламнинг бу қисмидаги ҳикоялар учун персонажларнинг ички дунёсини бевосита очиб кўрсатадиган уларнинг ички нутқи характерли бўлса-да, шу билан бирга, муаллиф нуқтаи назарининг аралашмаслиги сақланади. Китоб “организми” санъат ривожининг навбатдаги босқичига – эпосгача ўсиб боради: “бунда образ ўзига ва бошқаларга бевосита муносабатда берилади”¹⁸. Ўқувчига олдинги новеллалардагидан кўра мураккаброқ нуқтаи назарлар тизими тақдим этилади. “Эвелин”да у камида иккита: Эвелиннинг ўзи ва муаллиф. Шу тариха, ҳикояда икки хил даражадаги баҳо мавжуд. Муаллифнинг очиқ-ошкора баҳоси ҳикоянинг хотимасида жаранглайди: “She set her white face to him, passive, like a helpless animal. Her eyes gave him no sign of love or farewell or recognition” [16; 36-б.] (“Қиз унга рангпар юзини буради, беихтиёр, худди нажотсиз жонивордай. Унинг кўзлари йигитга севмай, видолашмай, англаб-англамай боқди”). Мана шу ўринда қаҳрамон ички нутқининг, унинг рухий беқарорлиги мазмуни умумлаштирилади ва англатилади.

Бу ҳикояда иккита макон-вақт структуралари қарама-қарши қўйилади: Эвелин олами ва унга уйланмоқчи бўлган йигит олами. Эвелин олами хотиралар олами, ўтмиш олами, болалик олами. Унинг уйи бу оламнинг мужассами. Уй – унинг бутун ўтмиш ҳаётининг, эскича тартиботларнинг маркази. Уни тарк этиш ҳаётни янгидан бошламоқ демак: “But in her new home, In a distant unknown country, it would not be like that” [16; 33-б.] (“Бирок янги уйда, узокдаги нотаниш мамлакатда ҳаммаси бошқача кечади”). Уй билан фақирона кечган болалик, оиладаги оғир турмуш, отасининг кўполликлари ва онасининг ҳаёти, “кўз илғамайдиган қурбонликларга тўла ва ақлдан озиш билан тугаб битган умр” ҳақидаги хотиралар боғланган. Бу уй маконида онасининг қисмати Эвелиннинг ўзининг тақдирида такрорланиши тайин. Бу хавфдан қаҳрамон қочиб қутулишга уринади: “She trembled as she heard again her mother’s voice saying constantly with foolish insistence: “Derevaun Seraun! Derevaun Seraun!” She stood up in a sudden impulse of terror. Escape! She must escape!” [16; 35-б.] (“У онасининг титраб-қақшаб: “Ҳузур-ҳаловатнинг охири – дард! Ҳузур-ҳаловатнинг охири – дард!” дея уқтираётган овозини тагин эшитиб, титраб кетди” У даҳшатга тушганча ўрнидан ирғиб турди. “Қочиш! Қочиш керак!”).

¹⁸ Поэтика древнеримской литературы. Жанры и стиль. – М., Наука, 1989. – С.237

Ҳикояда уйнинг ўзи тасвирланмаган, бироқ унинг бир қирраси кўп бор таъкидланган: яъни унинг чанг босгани: “Home! She looked round the room, reviewing all its familiar objects which she had dusted once a week for so many years, wondering where on earth all the dust came from” [16; 32-б.] (“Уй! У хонага кўз югуртирди, ўзи неча йилдан бери ҳар ҳафта супуриб-сидирадиган ва ҳар галл бунча чанг қаердан йиғилади деб ажабланадиган барча таниш жиҳозларни кўздан кечирди”). Чанг ҳиди турғунлик ва ҳаётнинг ҳаракатсизлиги тимсоли.

“Дублинликлар”нинг охириги “Мархумлар” ҳикояси кўплаб тадқиқотчилар томонидан тўпламдаги энг яхши ҳикоя сифатида эътироф этилган¹⁹. Китобга бу ҳикоя энг сўнгги паллада, 1914 йили қўшилган ва тўпламнинг “эпифания”си сифатида “Худонинг инояти” ҳикояси ўрнини эгаллаган. Е.Ю.Гениеванинг фикрича, Жойсни ижтимоий “эпифания” қониқтирмагани боис “Дублинликлар”да этик-фалсафий “эпифания”, яъни “Мархумлар” ҳикояси пайдо бўлган²⁰.

Муаллиф ғоясининг миқёси бу асарнинг номидаёқ белгиланган. У китоб контекстида хотимадек ва тўпламдаги ҳикоялар персонажлари устидан ўқилган ҳукмдек жаранглайди. Китобдаги бошқа аксарият ҳикоялардаги каби, бу асар номи ҳам мазмунига зид маънони англатади: турмушнинг майда икир-чикирлари асар номи туфайли умумлашма-символик аҳамият касб этади, мазмунни янада кучайтиради ва “Мархумлар” ҳикояси билан тўплам якунланади.

Диссертациянинг “**Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили**” романида **макон ва вақт**” деб номланган учинчи бобида “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романида Европа тарбиявий романи анъаналарининг тарихий вақт ва маконда акс этиши ҳамда роман бадиий оламининг макон ва вақт континумида ифодаланиши тадқиқ этилган.

Классик тарбия романи, жанр хилма-хиллигининг ўзига хослигидан қатъий назар (Гёте²¹ ва Диккенс²² асарлари, Л.Н.Толстойнинг “Болалик”, “Ўсмирлик”, “Ёшлик” трилогияси, Теккерейнинг “Пенденис” асари ва б.к.), қаҳрамон ва уни қуршаб олган реал ҳаёт ҳақидаги ҳикояга ва айни пайтда уларнинг ўзаро таъсири, биргаликдаги ҳаракатига қурилган: қаҳрамон шахсининг шаклланиши кўп жиҳатдан унинг ташқи олам билан муносабати тарзига боғлиқ бўлган ва олдиндан белгилаб қўйилган; бу тарздаги шаклланиш босқичлари қаҳрамоннинг унга боғлиқ бўлмаган ҳаёт воқелигининг таъйиқлари қонуниятларини англаб етиш босқичларига айланади; у ҳаётдан сабоқ олади.

Ушбу жанрдаги асарнинг макон-замон модели – қаҳрамоннинг кўз ўнгида ўзининг бутун бойлиги, турли-туманлиги билан изчил очилиб

¹⁹Қаранг: The Dead // James Joyce “Dubliners” and “A portrait of an artist as young man” A casebook (a selection of critical essays) Ed.by M.Beja (a-f) –London.: Basingstoke, 1973. – p. 220-224

²⁰Гениева Е.Ю. Джеймс Джойс // Dubliners. A Portrait... - М., Progress, 1982. – С.7-39

²¹ Гете И. В Собр. соч. в 10-ти т т М., 1978, т. 7

²² Оруэлл Дж. Чарльз Диккенс [Электронный ресурс]. URL: http://orwell.ru/library/reviews/dickens/russian/r_chd

борадиган олам модели. Бундай роман вақти қаҳрамон маънавий тажрибалари бирдай тўлдирилиб борадиган вақт. Қаҳрамоннинг ички, субъектив вақти ташқи, объектив-тарихий вақтга яқинлашишга интилади (ёки ундан қочади), бундай ҳамкорликдан қаҳрамон маънан бойийди (ёки ҳаётини инқирозга учраб қашшоқлашади) ва пировард натижада у бизнинг кўз олдимизда ўз авлодининг, табақасининг, ижтимоий гуруҳининг вакили сифатида гавдаланади, “давр руҳи” ифодачисига айланади.

Классик тарбия романининг макон-замон моделида унинг марказий оппозицияси аксини топган: оламда ўз ўрнини излаётган одам ва ўз қонун-қоидаларига биноан яшаётган олам, улар, айни пайтда, тушуниб, англаб бўладиган ва аксар ҳолларда ижтимоий табиатга эга ҳолатда намоён бўлади. (Қаҳрамон теварагидаги макон моҳиятан доимо ижтимоий ва ахлоқий жиҳатдан чизиб-режалаштириб қўйилган.) Бундай модель жараёни, психологик ўзгаришларни (тарбия жараёни, шаклланиш, вояга етиш) тасвирлашга хизмат қилади.

Жойс романининг макон-вақт модели бошқача принциплар бўйича қурилган. Жойс романига нисбатан, бизнинг назаримизда, “ҳаётдан олинган сабоқ” ҳақида гапириш ноўрин: қаҳрамон ва ташқи оламнинг ўзаро муносабати хусусийлик (қаҳрамон) ва бутунликнинг (ҳаёт) бўйсунувчанлиги характерига эга эмас, ва шу тариқа, жанр қоидасининг макон-вақт структураси марказий оппозицияси ўзининг долзарблигини йўқотади. Унинг ўрнини ижодкор ва материалнинг қарама-қаршилиги эгаллайди. Тасвир қаҳрамон шахсида ўзгаришсиз, шарт-шароитга боғлиқ бўлмаган маънавий шаклланишнинг ибтидосига, унинг ҳақиқий моҳиятига қаратилади ва тимсолий мазмун касб этади. Дарҳақиқат, В.Толмачёвдек²³ синчков тадқиқотчи “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили”ни Ж.Гюисманс ва Р.М.Рильке асарлари билан бирга “Уч символистик роман” деган, эътиборни тортадиган номдаги китобга бежиз киритмаган.

Роман структурасининг вақт компонентлари (дарвоқе, улар орқали ўзгариш ва ривожланиш ғояси етказилади) “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили”да тасвирий санъат учун характерли бўлган, боз устига, теран фарқланадиган замонавий санъат – кинематография (монтаж ва экранда бир манзаранинг иккинчиси билан секин-аста алмашинув принциплари) ва ўрта аср санъати (“ўрта аср готик соборлари эшик ва деразаларига турли рангдаги шишалардан, нақшинкор композицияларда сурат ва тасвирлар ишлаш техникаси” ёки авлиёнинг ҳаёти ҳақидаги бутлардан тасвирланган манзаралардан таркиб топган икона маконини яратиш) принципларида амалга оширилади.

Ўзгариш ва ривожланиш ғояси – бу тарих ғояси, кичик тарих – инсон шахси ва катта тарих – алоҳида бир халқ ёки бутун инсоният тарихи. Ушбу вақт қатламларининг шахсий ҳаёт ва ижтимоий ҳаётнинг ўзаро муносабатда,

²³ Толмачев В.М. Утраченная и обретенная реальность // Наоборот. Три символистских романа. М., 1995. С. 436.

боғланишда бўлиши асосига XIX аср европа реалистик романининг ҳикоя қилиш структуралари қурилган. “Мусаввирнинг ёшлиқдаги шамойили” учун, афтидан, ушбу адабий анъанага хослик, юқорида эслатилган ўзаро муносабатда, боғлиқда бўлишлик тамоман ўзгача характер касб этади.

